

Шомирза ТУРДИМОВ

Қут ва барака байрами

17 март соғида ўқинг

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Журналистнинг орқасида кими бор

ёхуд «текшир-текшир»дан мақсад нима?

24 март соғида ўқинг

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 13 март • сешанба • № 31 (4004)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 март кунлари давлат таширфи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Таширфининг иккинчи кунини давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намоёндогон палатаси раиси Шукуржон Зухуровни қабул қилди.

Таширф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам амалий қадамлар ташланди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат таширфи гоёт самарали кечаётгани, томонларни қизиктирган барча масалалар бўйича яқдил келишувларга эришилгани қайд этилди. Айниқса, давлат чегараси бўйича шартнома ва фуқароларнинг ўзаро қатновига қулайлик яратишга оид битим мамлакатларимиз муносабатлари, халқларимизнинг дўстона алоқаларига замин бўлиши алоҳида таъкидланди. Автомобиль ва темир йўлларнинг очилгани, Ишбилармонлар кенгаши тузилгани ҳам бу борада муҳим ўрин тутди.

Шукуржон Зухуров билан суҳбатда олий

даражада имзоланган ҳужжатларни ратификация қилиш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди. Қонун чиқарувчи органлардаги дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, ўзаро таширфлар ва тажриба алмашувни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз томонларнинг ҳамкорликка оид мулоқотлари мунтазамлик касб этиши йўлида муҳим қадамлар ташланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намоёндогон палатаси раисини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашув учун юртимизга таклиф қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси Бош вазири Коҳир Расулзодага қабул қилди.

Суҳбат чоғида 9 март кунини бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка доир барча масалалар муҳокама этилиб, уни ривожлантириш

нинг устувор йўналишлари белгилаб олингани таъкидланди. Савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик каби соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича имзоланган ҳужжатлар юқори баҳоланди.

Мулоқотда мазкур келишувларни бажариш, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланишини кўпайтириш ва таркибини диверсификация қилиш, бизнес учун қулай яратиш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, товар айирбошлаш ҳажмининг 1 миллиард долларга етказиш режаси икки мамлакат ҳукуматларига катта масъулият юклаши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга тайёрлигини, бунинг учун барча зарур шароит яратилишини таъкидлади.

Коҳир Расулзода Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси сифатида ўзаро

манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш, қўшимча имкониятлар бўйича таклифлар тайёрлашга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Икки мамлакат ҳудудлари ва етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, транзит юк ташишини кўпайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат таширфи якунига етди.

Душанбе халқаро аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кузатиб қўйди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу таширф асосида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,

ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент — Душанбе — Тошкент

КҮН НАФАСИ

«Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қучга кирди.

Унда ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи ва ёш тоифаларини белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Эндиликда, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, блогерлар, реклама воситалари ҳамда бошқа турдаги ахборот каналлари орқали тарқатилаётган ахборотларда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида 0+, 7+, 12+, 16+, 18+ ёзувлари акс эттирилиши шарт.

Эслатиб ўтамай, 2017 йилнинг 9 сентябрь кунини қабул қилинган мазкур қонун жорий йил 9 мартдан бошлаб қучга кирди.

Мақсуджон Йўлдошев мактабгача таълим вазири ўринбосари лавозимига тайинланди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мақсуджон Йўлдошев бунга қадар «Истеъдод» жамғармаси, Халқ таълими вазириликнинг назорат-таҳлил бошқармасида фаолият кўрсатган, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтини ректори, Халқ таълими вазириликнинг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Президенти девонининг бош консултанти вазифаларида ишлаган.

Парламент куйи палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йилгиликни бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йилгиликда таъкидланишича, жиноятларни қасддан яшириш ҳолатлари ҳам аниқлангани қонунчиликни тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, 2012–2017 йилларда 392 та жиноят қасддан ҳисобга олинмаган. Жиноят кодексининг 241-моддасини янги таҳрирда баён этиб, ушбу жиноят тақдирини ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги ёхуд ушбу қилмиш оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланган тақлиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 6 мартдаги қарори асосида Ўзбекистон Бадий академиясининг 12 нафар янги ҳақиқий аъзоси рўйхати тасдиқланди.

Ушбу рўйхатдан график рассом Анвар Мамажонов, рангтаърири рассомлар — Сарсенбой Бойбўсенов, Гофур Қодиоров, Аслиддин Исаев, Файзуллахонов Аҳмадалиев, Бахтиёр Назаров, Иван Салпинкиди, шунингдек, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Нигора Аҳмедова, ҳайкалтарош Марина Бородин, архитектор-нақош Анвар Илҳомов, уста-рассом Сирожиддин Раҳматиллаев, ганчкор уста Мансуржон Муродов ўрин олди.

Айни вақтга қадар академия таркибида 27 нафар академик бор эди. Эндиликда улар сафига юқоридаги ижодкорлар ҳам қўшилди.

29 — 31 март кунлари Туркменистоннинг Ашхобад шаҳрида Ўзбекистондаги корхоналар ва экспорт учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг Made in Uzbekistan кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмадан қўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон саноат компанияларини ривожлантириш ва инвестицион йотуқларини Туркменистон бозорига намоиш этиш.

Кўргазма доирасида Туркменистон ва бошқа хорижий давлатлар ишбилармонлари билан шартнома имзолаш учун турли инвестицион лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, Туркменистон ишбилармонлар доираси ва тадбиркорларига Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси ва илмий-ишлаб чиқариш салоҳияти билан яқиндан таништириш имконияти яратилди.

Кўргазмада 100 дан ортиқ маҳаллий корхона, компания ва фирмалар иштирок этди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум ва Ўзбекистонлик санъаткорлар иштирокида концерт дастури ўтказилди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ:

уни ўрганиш осонми?

Президентимиз томонидан бугун барча соҳа мутасаддиларига, ҳатто туман ҳокимларига хорижа чиқиб тажриба ўрганиб келиш ҳақида кўрсатмалар берилмоқда. Шу маънода, уларга тегишли йўл-йўриқ берадиган, амалий ёрдам кўрсатадиган, уюштирадиган идоранинг бўлиши мақсадга мувофиқ кўринади. Зеро, аниқ бир механизм йўлга қўйилмаса, хорижнинг фойдали тажрибасини ўзлаштириб олиш осон кечадиган жараён эмас.

3▶

УЮШМА 2015 ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ



Миллий матбуот марказида бўлган навбатдаги тадбир мамлакатимизда хунармандликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Унда таъкидланганидек, «Хунарманд» уюшмаси хунармандларга қулайликлар яратиш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг декабрь ҳолатига кўра, уюшма аъзолари 10 минг 247 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган уч ойида улар сафига яна 8 мингдан ортиқ хунарманд қўшилди.

Президентимизнинг фармони асосида хунармандларга бир қатор имтиёз ва преференциялар берилди, — дейди уюшма масъул ходими Д.Сатторов. — Унга кўра, энди хунармандлар солиқ тўловидан озод этилиши, маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасаруф қилиши мумкин. Уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланishi, имтиёзли кредитлар бериш, хунармандлик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш борасида яратилган қулайликлар асрий анъаналаримиз бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, «Уста-шогирд» мактаблари сонини кўпайтириш долзарб масала. Ўтган йили 1 минг 326 та ана шундай мактаб ташкил этилиб, хозирги кунда уларнинг сони 2 мингга етказилди. Уларда хунар ўрганаётганлар сони 7 минг 356 нафарни ташкил этмоқда. Мамлакатимизнинг 23 шаҳар ва туманида хурамандликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш, шу йўналишда 3015 та лойиҳани амалга ошириш галдаги режаларимиздандир.

ЎЗА

Жафокаш халқ умиди

Афғонистонликлар Тошкент анжуманини интиқлик билан қутмоқда



Ғулом МУҲАММАД:

— Ўтказилаётган тарихий анжуман, унда қабул қилинажак келишув-ҳужжатлар қалбимиз тўридаги муддаоларни рўёбга чиқаради, деган умиддамиз. Бунинг учун Афғонистондаги турли гуруҳларни қуролсизлантириш бўйича ҳам яқдилликка эришилмоғи шарт. Тарихга назар соладиган бўлсак, ҳамisha юртга қуролли кучлар киритилишидан ягона мақсад «тинчликни таъминлаш» бўлган. Аммо мудом уруш домида қолаётган халқнинг абгор аҳволи ниҳоятда ачинарлидир.

2▶

